

Ҳикоячи Ва Ўқувчи-Адресат Муносабатлари Орқали Ахлоқ Тушунчасининг Концептуаллашуви (К.Исигуронинг “Мени Қўйиб Юборма” Романи Асосида)

Нарзикулова Райхона¹

Аннотация: Мақолада асл келиб чиқиши япониялик бўлмиш инглиз ёзувчиси Кадзуо Исигуро қаламига мансуб “Мени қўйиб юборма” номли антиутопик романидаги ҳикоячи ва ўқувчи/адресат муносабатлари XX аср биотехнология соҳасидаги тарраққиёт (клонлаштириш ва инсон органлари донорлиги) призмаси орқали ёритилган.

Калит сўзлар: ҳикоячи, тингловчи, биотехнология, клонлаштириш, донорлик, инсонийлик, ахлоқий фалсафа, ахлоқий маъсулият.

Шваб таъкидлаганидек, фан шу қадар жадал ривожланаяптики, эндиликда олимларнинг тадқиқот ва изланишлари учун технологик чекловлар эмас балки, ахлоқий ва қонуний хусусиятга эга бўлмиш масалалар кўндаланг бўлмоқда. Физик, рақамли ва биологик дунёлар кесишмасидан иборат бўлган янги технологиялар ривожланиши жамиятнинг иқтисод, саноат, ҳукумат ва ҳаттоки, инсонийлик ғояларига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда.

Тўртинчи саноат инқилоби туртки берган биотехнологиядан тортиб то сунъий интеллект соҳасидаги инновациялар инсониятни қайта кашф этаётгандай гўё. Бу инновациялар ҳаёт давомийлиги, соғлиқ, онг ва руҳият чегараларини кенгайтирмоқда. Бу каби ўзгаришларни бор йўғи бир аср олдин илмий фантастик асарларда кузатиш мумкин эди холос. Клаус Швабга кўра, ушбу соҳадаги билим ва кашфиётлар ошиб борар экан, жамиятнинг асосий эътибор ва маъсулияти маънавий ва ахлоқий жиҳатларга қаратилган бўлиши лозим. Инглиз ёзувчиси Кадзуо Исигуронинг мақолада тилга олинаётган “Мени қўйиб юборма” асари жанр жиҳатдан илмий фантастикага яқин бўлсада, муқобил ҳаётда илм-фан ва технологияларнинг ривожланиши қандай ахлоқий муаммоларни келтириб чиқариши мумкинлигини тасвирлагани учун спекулатив фантастика жанрига кўпроқ мос келади. Ҳаттоки, Исигуро ўзи таъкидлаганидек, спекулатив фантастика (биотехнология тараққиёти, инсон органлари трансплантацияси, клонлаштириш) бу ҳикоянинг юзаки қисми бўлиб, асосий урғу шу жараёни бошидан кечираётган, шу жараён қурбонларига айланган асар қаҳрамонларининг ички дунёсига, улар ўртасидаги дўстлик ва муҳаббат туйғуларига қаратилган. Асар қаҳрамонларнинг кечинмаларини ўқувчига етказиб беришда ўқувчининг ўз иштироки ҳам муҳим аҳамият касб этишини ўзига хос стилистик усуллар ёрдамида юзага чиқаради. Чунки асардаги воқеалар олимлар томонидан яратилган клон Кети томонидан ҳикоя қилинади. У ва у каби клонлар, трансплантацияга муҳтож бўлган инсонларга (клон бўлмаганларга) ўз ҳаётини аъзоларини бериш вазифасини бажаришади. Кети ушбу қисматдан рози бўлибгина қолмай балки клонлаштириш дастурининг элементи сифатида хизмат қилади ва унинг афзаллик томонларини очиб беришга ҳаракат қилади. Шу билан бирга асар давомида ушбу дастур билан ҳамкорлигидан ҳамда ўзи ва унга ўхшаганларга бўлган ноинсоний муносабатга қарши курашмаганлигидан айбдорлик хиссини етказиб беради. Айни дамда эса ўзига юклатилган вазифани бениқсон бажарганлигини исботлашга уринади. Кети клон бўлганлиги сабабли жамият уни инсонлар қаторига қўшишдан воз кечади. Шу сабабли айбларини тан олиш, гуноҳлардан фориғ бўлиш ва қатъиятли бўлиши учун Кети унинг ҳикоясини тингловчи (ўқувчи)ни ўта эҳтиёткорлик билан танлаши керак бўлади. Ушбу эҳтиёжни қондириш учун, у ўқувчини ўзига ўхшаган ўзи мавжуд бўлган

¹ СамДЧТИ ўқитувчиси



тизимдаги ва унинг инсонийлик жиҳатларини эътироф қилувчи, клон сифатида тасаввур қилади.

“Мени кўйиб юборма” асари ХХ асрнинг сўнгги ўн йиллигидаги муқобил ҳаётнинг бир жабҳасини акс эттирган. Бунда иккинчи жаҳон урушидан кейинги таррақиёт ядро физикаси эмас, балки биотехнология соҳасида юз берган дунёни тасвирлайди. Асардаги воқеалар содир бўлаётган пайтда ушбу таррақиёт ҳаётини зарур бўлган аъзоларини инсонларга кўчириб ўтказиш мумкин бўлган клонларни яратишгача етади. Ҳар бир клон то яшашга қодир бўлмагунча, ўз органларини “донорлик” жараёнида бирма-бир топширади. Шу тарзда клонлар вояга етар чоғларида клонлаштириш дастурини “битиришади” (ҳалок бўлишади). Бироқ донорлик жараёнини бошлашдан аввал, клонлар “оталик” ёки хамшира вазифасини бажаришлари керак бўлади, яъни донорликни бошлаган бошқа клонларга ғамхўрлик қилиб, уларни қўллаб қувватлайдилар. Ҳикоясини сўзлаб бераётган пайтда Кети ўн бир йилдан бери бошқа клонлар билан биргаликда болаликдаги дўстлари Рут ва Томмига хамширалик қилаётган бўлади. Бу давр мобайнида у Англия бўйлаб “клон ва донорлик” дастури бўйича саёҳат қилади ва ҳаётларининг охириги ойлари ёки ҳафталарини ўтказаётган клонларга ғамхўрлик қилиб, уларнинг бу қисмати инсонлар яъни “клон бўламаганлар” нинг ҳаётини асраб қолишдек буюк вазифага мўлжалланганлигига ишонтиришга уринади. Бу ўринда Кетининг тингловчииси шу тизимни ва клонлаштириш дастуридаги Кетининг ролини тушунадиган бўлиши керак. Шундай бўлса ҳам, Кети ушбу тингловчи уни эътиборга муносиб инсон сифатида кўра оладиган шахс бўлишини хоҳлайди. Бу пайтда эса у яшаб турган жамият клонлаштириш программаси худди мавжуд бўлмагандек, “донорлик органлари эса ўз-ўзидан қандайдир бўшлиқда пайдо бўлгандек” ҳаракат қилар эди. Ушбу жамият қотилликни энг катта гуноҳ деб турган бир пайтда, “қисман инсон” бўлган мавжудот аъзоларини одамларнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун бўлақларга ажратиб олиш нафақат жоиз, балким зарурият даражасига чиқади: “Қандай қилиб саратон касаллиги давосини топдик деган жамият, бундай “дори” ни амалда синашни кечиктиришни талаб қилиб, ўтмишга қайтишни хоҳлайди”. Адабий танқидчи Лидия Купер Кетининг ушбу тизимдаги ҳаракатини таҳлил қилар экан, унинг сукут сақлаши ички аъзолар учун клонларни ўлдирилиши жиноятига шерик эканлигини ифода этишини таъкидлайди. Купер ҳаттоки Кети тушиб қолган вазиятни “ҳар бир шахс ахлоқга зид бўлган ижтимоий тизимни рад этиш учун жавобгар бўлади” деб таъкидлайдиган Холокостдан кейинги ахлоқий фалсафа нуқтаи назаридан баҳолайди. Купернинг сўзларига кўра Кетининг муносабати бошқа барча клонларникига мос келадиган бўлса-да, уларнинг тақдирига нисбатан умумий бефарқлигини оқлаб бўлмайди. Ҳикояси давомида Кети тарих дарси пайтидаги иккинчи жаҳон уруши давридаги асирлар лагери ҳақидаги муҳокамани эслайди. Бунда ўқитучи клонлар учун махсус мактаб интернат атрофидаги панжараларни уруш асирлар лагери панжарасига қиёс қилади. Кети эса на ўша пайти ва на улғайганда сўнг ҳам бу ўхшатишнинг туб моҳиятига етмайди. Мактаб интернат клонлари ҳақиқий тўсиқлар ҳамда дастур томонидан ташқи дунёдан узилган бўлишади. Бунга сабаб уларнинг бу тизимда ҳеч қандай ваколатга эга бўлмаганликлари ва натижада тизимга қарши исён кўтариш ўрнига бор йўғи қарши фикр билдириш билан чегараланишади. Кетини ўрнига келадиган бўласак, у бундай қаршилиқларнинг ҳеч бирини намоён қила олмайди. Аксинча, уни менсимаган, уни суистеъмол қилган жамиятдан жаҳли чиқмайди, ҳаттоки тенгдошлари бўлган клонлар орасида юзага келган норозиликни тинчлантиришга ҳаракат қилади. Бу ҳаракатлари орқали у ахлоқий маъсулиятдан воз кечади. Натижада, у ўз танловидан уялади, аммо жамият Кетини шахс сифатида кўра олмагани учун унинг бу ҳис-ғуйғуларини қабул қила олмайди. Шунинг учун ҳам, Кети ўзини оқлаш учун унга суҳбатдош бўла оладиган, уни ўзидек клон бўлган ўқувчига эҳтиёж сезади. Бу жамият учун унинг ички органларидан бошқа қадрли жиҳатлари йўқ эканлигини тушунади. Кетининг клон суҳбатдоши (ўқувчиси) бу фикрнинг тасдиғини топишга имкон беради.

Кети суҳбатдошининг (ўқувчининг) иштирокини ҳикоясининг бошиданок кўрсатиб беради. Албатта, унинг тушунтиришлари “тушунувчи”нинг мавжудлигини тақозо этади, аммо унинг ҳаёт ҳикояси давомида бу суҳбатдош ҳақида бир нечта калит жумлалар берилган бўлади. Унинг суҳбатдоши тўлиқ шаклланган инсон ва ҳаёлий мавжудот орасидаги шахс сифатида намоён



бўлади. Гарчанд Кети суҳбатдоши хақида оз маълумот берсада, аммо ҳикоянинг бошиданок унга мурожаат қилади: “Исмим Кети Ҳ. Ёшим ўттиз бирда ва ҳозирга қадар ўн бир йилдан бери ғамхўрлик қилувчи вазифасини бажараяпман”. Асарнинг бошида бундай кўринишдаги таништирув Кети ҳали суҳбатдошини билмаслигин ва суҳбатдошнинг ўзи ҳам унинг тўлик исмини ҳамда “ғамхўрлик қилучи” қандай вазифани бажаришидан бехабарлигини кўрсатади. Кети суҳбатдошини клонлаштириш дастурининг бир қисми деб ҳисоблайди. Асарнинг кириш қисмиданок суҳбатдош билан мулоқот ўрнатиш мақсадида дастур ташқарисидагилар (одатий дунё) учун нотатиш бўлган терминлардан фойдаланади. Юқорида келтирилган иқтибосда Кети ўзини “ғамхўрлик қилувчи” деб таништиради, бу тушунча бизнинг дунёмизда касбдан фарқли ўлароқ химоя қилучи, ёрдам берувчи маънони англатади. Ҳикоясини давом эттирар экан, Кети “Биламан бу етарлича узоқ вақт, лекин улар мени яна саккиз ой давом эттиришимни сўрашяпти” деб, “улар” деб кимни назарда тутганлиги мавҳумлигича қолдиради. Кетининг фикрича, ўқувчи “улар”нинг ким эканлигини билади. Бир нечта жумладан сўнг Кети “донор” сўзини ишлатишни бошлайди. Бу ҳолда ҳам донорларнинг кимлиги ва улар нимани беришаётганини изоҳлаб ўтирмайди. Шу тарзда у клонлаштириш тизимига хос бўлган сўз ва ибораларни унинг ўқувчиси ҳам шу дунёга мансуб деб ҳисоблаб, ҳеч қандай тушунтириш ва изоҳсиз ишлатади. Яна бир неча жумладан сўнг у ўқувчи га қуйидагича мурожаат қилади: “Агар сиз ҳам уларнинг бири бўлсангиз, сизнинг қанчалик тушқунликка тушганингизни тасаввур қила оламан”. Бу жумлани таҳлил қиладиган бўлсак, “уларнинг бирисиз” деб, Кети ўзига ўхшаб вазифасини сидқидил бажараётган, лекин бу учун эътироф қилинмаган “ғамхўрлик қилувчилар”га ишора қилади. Бу орқали Кети ўз ўқувчисини ўзига ўхшаган клон ва “ғамхўрлик қилувчи” деб ҳисоблашини кўрсатиб беради.

Асар ниҳоясида Кети ўзи мавжуд бўлган жамиятдаги ижтимоий ролини қабул қила олади. Аммо шу билан бирга у ўзининг нафақат қисман инсон эканлигини, балким, эксплуатацион тизимдаги бошқа клонларнинг ўлдирилиши орқали ўзининг ўлимига йўл очиб берганлигини ҳам англаб етмайди. Кети ўқувчига ушбу ташкилотнинг бир қисми эканлигини очиб берар экан, айбдорлик ҳиссини ҳам етказишга ҳаракат қилади, бироқ ўқувчисидан жавоб олишга умид ҳам қила олмайди. Бу ҳиссиётни у шунингдек тенгқури (клон) бўлган жабрланувчига кўрсатмоқчи бўлади, жабрланувчи унинг инсонийлик хислатларини кўра олишига умидвор бўлади. Шу тарзда Кети ўзининг қарамоғида бўлган донорлар ҳаётини енгиллаштиришдек вазифани астойдил бажариб, касбининг кейинги босқичига ўтишга тайёр туради. Эътиборли жиҳати шуки, Кети донорлик дастурида иштирок этар экан, ҳикояси тугаши биланок ҳаёти яқунланишини билар эди. Ўн беш ёшиданок келажақда уни ва дўстларини нима кутаётганлигини билган ҳолда Кети ўзи ва дўстларининг тақдирини ўзгартиришга ҳаракат қилмайди. Бунинг ўрнига дўстлари Рут, Томми ва бошқа тенгдоши бўлмиш клонларнинг бирин кетин операция столида ҳаётдан кўз юмаётганларини кузатиб, ўз ўлимини ҳам кутиб олишга тайёрланади. Уларни буюм сифатида кўрадиган тизимга Кети ўзини топширар экан, ҳеч қачон ўз тақдирини ўзгартиришга уриниб кўрмаганини ҳикояни тингловчи кун келиб, кечиришидан умидвор бўлиб қолади. Ушбу асардаги ҳикоячи (Кети) ҳамда ўқувчи (китобхон) муносабати кадриятлар муқим бўлмаган дунёда “исоний биродарлик” туйғусига, ҳамдардлик ва бағрикенгликка бўлган эҳтиёжни очиб беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Cooper, Lydia. R. “Novelistic Practice and Ethical Philosophy in Kazuo Ishiguro’s *The Remains of the Day* and *Never Let Me Go*.” *Palgrave Macmillan*, 2011. 95-105.
2. Ishiguro, Kazuo. *Never Let Me Go*. New York: Random House, 2006.
3. Prince, Gerald. “On Readers and Listeners in Narrative.” *Neophilologus* 55.2 (1971): 117-122. ProjectMUSE. Web. 2014.
4. Schwab, Klaus. “The fourth industrial revolution” *World Economic Forum* 91–93 route de la Capite CH-1223 Cologny/Geneva Switzerland 2016. 93-96p.



5. Шомуродова Ш. Ж. ИЗУЧЕНИЕ СЕМАНТИЧЕСКИХ ПРЕОБРАЗОВАНИЙ ПРИ ОДНОСТРУКТУРНОЙ ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКОЙ ДЕРИВАЦИИ (НА МАТЕРИАЛЕ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА) //Ученый XXI века. – 2016. – №. 2-4.
6. Шомуродова Ш. Ж. КОНТЕКСТУАЛЬНЫЕ ВОЗМОЖНОСТИ ПРОЯВЛЕНИЯ СТИЛИСТИЧЕСКОГО ЗНАЧЕНИЯ ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ //Научные школы. Молодежь в науке и культуре XXI в. – 2017. – С. 240-241.
7. Narzikulova R. Scrutinizing materials in organizing class for high school students //Asian Journal of Multidimensional Research. – 2022. – Т. 11. – №. 3. – С. 31-33.
8. Abduhakim o'g'li A. A. Challenges in Teaching Writing to Young Learners //Best Journal of Innovation in Science, Research and Development. – 2023. – Т. 2. – №. 3. – С. 14-16.
9. Kazuo Ishiguro discusses his intention behind writing the novel, Never Let Me Go. <http://www.filmindependent.org/>

